XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО АМИРЛИГИДА ВАҚФ МУЛКЛАРИ

ВАКФНЫЕ ИМУЩЕСТВА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

WAQF PROPERTIES IN THE BUKHARAN EMIRATE IN THE SECOND HALF OF 19TH - BEGINNING OF 20TH CENTURIES

ISMATOVA Nargiza
ABU RAYHAN BERUNI INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES,
UZBEKISTAN ACADEMY OF SCIENCES,
Doctor of Philosophy PhD, Senior Research Fellow
e-mail: nargiza5555@yahoo.com
Yu. Radjabi str., 72-42, Tashkent, 100031, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2024/3/5

Аннотация. *Мақола XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вақф мулклари тарихига бағишланган. Тадқиқотда бирламчи манбалардан саналган тарихий ҳужжатларга таянган ҳолда вақф қилинган мулклар, функционал хусусиятига кўра уларнинг турлари, ҳолати хусусида сўз юритилади.*

Мавжуд маълумотлар асосида вақфга бериладиган ер мулклари ҳажмининг қисқариб бориши, бунга сабабчи бўлган омиллар очиб берилади. Тадқиқ этилаётган даврда шаҳарларда ер мулки билан бир қаторда савдо муассасаларини, дўконларни ҳам вақф қилиш ниҳоятда оммалашиб борганлиги, бунинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари ёритилади.

Кўчар хусусиятига эга бўлган китоб, пул маблағлари вақфи хусусида ҳам маълумотлар берилади. Хусусан, пул маблағининг Бухорода вақф объекти сифатида таъсис этилишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилга тортилади.

Тадқиқ этилган архив ҳужжатларига кўра, Бухоро амирлигида ўрганилаётган даврда ер асосий вақф мулкларидан бири сифатида таъсис этилган. Бироқ қатор ички ҳамда ташқи омиллар сабабли унинг ҳажмида сезиларли қисқаришлар бўла бошлади. Шунингдек, вақфга берилган мулклар қаторида ҳунармандчилик ускуналари, дўконлар ҳамда савдо расталари сингари кўчмас мулклар ҳам кўп учраган.

Китобларни вақф сифатида таъсис этиш аввалдан давом этаётган анъана саналган. Уларни вақф этишдан асосий мақсад китобларни асраб-авайлаган ҳолда келажак авлодларга тўла етказиш ва бу орқали илм узлуксизлигини таъминлаш бўлган.

Таъкидлаш жоизки, пул маблағини вақф қилиш шариатга кўра ихтилофли масалалардан бўлган. Дастлаб бу ҳолат аксарият уламолар томонидан маъқулланмаган бўлса-да, бироқ кейинчалик бунга ижозат берувчи махсус фатволар қабул қилинган. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб минтақада пулни вақф қилиш жараёни ортиб борди. Амирликда таъсис этилган пулдан фойдаланиш асоси мазкур маблагга ер, дўкон каби кўчмас мулк турларини сотиб олиш тарзида намоён бўлган.

Таянч сўзлар: *Бухоро амирлиги, вақфнома, вақф мулклари, ер мулклари, савдо муассасалари, мадраса, товар-пул муносабатлари, китоб вақфи, пул вақфи*

Аннотация. *Статья посвящена истории вакуфных владений в Бухарском эмирате во второй половине XIX - и в начале XX века. В исследовании, опираясь на исторические документы, которые считаются первичными источниками, рассматриваются вакуфное имущество, его виды по функциональным характеристикам и состояние.*

На основании имеющихся данных выявлены причины уменьшения земельных участков, отданных в вакф. Также освещены социально-экономические причины того, как в городах в исследуемый период стало чрезвычайно популярным наделение, наряду с земельными наделами, торговыми заведениями и дуконами (торговыми лавками) как вакуфным имуществом. Раскрыты особенности вакуфной практики Бухарского эмирата, в частности, в результате развития товарно-денежных отношений увеличилось количество учрежденных денежных вакфов, которые ранее были ограничены.

Передача книг в качестве вакфа являлась устоявшейся традицией. Основной целью пожертвования книг было их сохранение ради будущих поколений, обеспечая тем самым широкое распространение и преемственность знаний.

Следует отметить, что пожертвование денег является одним из спорных вопросов по шариату. Поначалу такое положение не одобрялось большинством учёных, но позже были приняты специальные фетвы, разрешающие жервование денег. Со второй половины XIX века процесс денежного вклада в регионе усилился. Основное целевое применение вакуфных денег, сложившееся в эмирате, проявлялось в виде покупки недвижимости, такой, как дуконы и земельные наделы.

Ключевые слова: *Бухарский эмират, вакф-наме, вакуфное имущество, земельная собственность, коммерческие учреждения, медресе, товарно-денежные отношения, книжный вакф, денежный вакф*

Abstract. *The article is devoted to the history of waqf properties within the Bukhara Emirate in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century. The article discusses the properties turned to waqf properties, their types and condition by functional characteristics based on primary historical documents.*

According to available data, decrease of the size of land endowing as waqf during these periods, and the factors causing this have been disclosed. Besides, in that period,

endowment of commercial establishments and shops along with land property became extremely popular in cities. And the socio-economic reasons for this are highlighted in the article.

Information about the portable properties as book or cash founding as waqf is provided. In particular, the specific features of founding a cash as a waqf object in Bukhara are analyzed.

The study of archival documents shows that land was dominant among the properties turned into waqf in the Bukharan Emirate during the period under study. However, due to a number of internal and external factors its size decreased significantly. Besides, there were many real-estate properties such as crafts equipment, commercial establishments, shops, market stalls among the properties established as a waqf.

Endowing the books as waqf was a long-lasting tradition. The main purpose of their endowment was to preserve the books and deliver them to the future generation, thereby ensuring the knowledge continuity.

It should be noted that money waqf was one of the controversial issues according to Sharia. First this form was not approved by most of the scholars, but special fatwas were issued later. From the second half of the 19th century, process of endowing money developed in the region. The procedure for using money in the emirate was displayed in most cases in the form of buying real estate such as land and shops.

Keywords: *Emirate of Bukhara, waqf-namah, waqf properties, land properties, commercial institutions, madrasah, commodity-money relations, book endowment, money endowment*

КИРИШ

Вақф мулкларини функционал жиҳатига кўра кўчар ва кўчмас мулклар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Тадқиқ этилаётган даврда Бухоро амирлигида анъанавий тарзда ер, савдо расталари, дўконлар, саройлар (омборхона, карвонсарой), тегирмонларни таъсис этиш давом этган. Шу билан бир қаторда ҳовли-жойларни вақф этиш кўпайиб борди. Бу даврдаги иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, товар-пул муносабатларининг ривожланиши кўчар хусусиятига эга мулклардан пул вақфининг ортишига таъсир кўрсатди.

Қайд этиш лозимки, амирлик давридаги вақф мулклари миқдори билан боғлиқ статистик маълумотларни учратмадик. Бу борада Бухоро Халқ Республикаси давридаги материаллар қисман бўлса-да, тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Жумладан, амирлик тартиби ағдарилгандан сўнг Бухоро, Чоржўй, Қарши, Кармана вилоятларида жами 276 737 таноб ер, 57 та сарой, 10 та ҳаммом, 23 та тегирмон, 24 та бозор жойи, 1769 та дўкон, 262 та ҳовли-жой вақф мулклари рўйхатга олинганлиги хусусида маълумотлар мавжуд *(Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О., 2020:113)*.

Мазкур мақола доирасида тадқиқ этилаётган даврдаги энг кўп таъсис этилган мулк турлари ва улар билан боғлиқ ўзгаришлар таҳлил этилади.

УСЛУБЛАР

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги вақф мулклари тарихини ёритишда стастика, қиёсий-солиштирма ҳамда мазмуний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Ер вақфлари. Тадқиқ этилган архив ҳужжатлари Бухоро амирлигида то XIX аср ўрталарига қадар катта таноб ер майдонларини таъсис этиш муҳим ўрин эгаллаганлигини кўрсатади. Кейинчалик эса, гарчи ер мулклари ҳануз ҳам асосий вақф мулкларидан бири сифатида таъсис этилса-да, унинг ҳажмида сезиларли қисқаришлар бўла бошлади. Одатда вақф муассасаларига экин экишга, боғдорчиликка монанд ерлар ажратилган.

Бу даврда айниқса, масжидлар учун кичик ва ўрта (1-20 таноб) ҳажмдаги ерларни таъсис этиш оммалашиб, майда ер мулкчилиги ривожланиб борди. Ер таъсис қилинган вақфномалар таҳлили 80 фоиздан ортиқ ҳолатларда ушбу миқдордаги ерлар вақф қилинганини кўрсатди. Масалан, Бухоро шаҳридаги Имом Қозихона гузари масжидига 1864-1916 йиллар оралиғида Шимоли-Руд ҳамда Жануби-Руд туманларидаги 2 танобдан 6 танобгача бўлган ерлар *(ЎзМА:156-160 й.)*, Авлиёйи Ғариб гузар масжидига эса, 1840-1914 йилларда ушбу туманлардаги 2-8 таноб ҳажмдаги ерлар *(ЎзМА:233-241 й.)* вақфга берилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам катта таноб ерлар ажратилган айрим муассасалар мавжуд бўлиб, уларга алоҳида қайд этиш жоиз. Мисол учун, юқорида қайд этилган Абдушукурбой мадрасасига 1892 м./1310 ҳ. йилда Қоракўл туманидаги 300 таноб *(ЎзМА:28 й.)*, 1898 м./1316 ҳ. йилда Бобо Тўқсоба масжидига Чоржўй вилоятидаги 385 таноб *(ЎзМА:815 й.)* 1911 м./ 1322 ҳ. йилда Раҳматуллоҳ тўқсабо мадрасасига 102 таноб *(ЎзМА:107 й.)* ҳажмдаги ер вақф қилинган.

Савдо муассасалари. XIX аср ўрталаридан бошлаб, шаҳарларда, хусусан, Бухоро шаҳрида савдо расталари, дўконлар, ҳунармандчилик ускуналари сингари мулкларни асосий вақф мулки сифатида таъсис этиш оммалашиб борди. Ҳаттоки,

ер, ҳовли-жой вақф қилинганда ҳам, уларни сотиб ўрнига савдо муассаси харид қилинишига воқиф томонидан кўрсатма берилган. Мазкур жараён воқифлар ижтимоий таркибдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда кечди. Яъни, товар-пул муносабатларининг ривожланиши, ички савдонинг ўсиши, ҳунармандчиликдаги муайян соҳаларга талабнинг ошиши *(Зияева Д.Ҳ., 2020:223-229)* натижасида савдогарлар, майда мулкдорлар, ҳунармандлар қатлами сони ўсиб борди. Масалан, 1864 м./1281 ҳ. йилда расмийлаштирилган ҳужжатда Бухоронинг Саррофон тоқисида қандолатпазлик растасидаги дўкон *(ЎзМА:34 й.)*, 1866 м./1283 ҳ. йилдаги ҳужжатда эса, ёғочни қайта ишловчи дўкон ҳамда кўрпафурушлик дўкони *(ЎзМА:134 й.)*, 1867 м./1284 ҳ. йилда Лаби Ҳовузи Девонбеги растасидаги шамфурушлик дўкони *(ЎзМА:127 й.)*, 1877 м./1294 ҳ. йилда Бухоронинг Ҳарқон-Руд туманидаги баззозлик дўкони *(ЎзМА:973 й.)* вақф қилингани белгиланган.

Бу ўринда Ў. Султоновнинг Тошкентдаги бу каби вақф мулкларининг оммалашуви унинг қулайлиги, нақд пул тушуми ҳақидаги фикрлари Бухоро учун ҳам хослигини таъкидлаш жоиз *(Султонов Ў., 2016:26)*. Дарҳақиқат, ушбу турдаги мулклар барқарор даромад манбаи бўлиш қаторида об-ҳаво таъсири, ҳосилнинг кутилганидек натижа бермаслиги каби муаммолардан холи эди.

Китоблар вақфи. Китоблар вақф этиш аввалдан давом этаётган анъана саналган. Китоблар вақфи тарихини тадқиқ этиш муайян даврлардаги шаҳарлар интеллектуал ҳаёти, турли вақтларда долзарб бўлган китоблар хусусида эътиборга молик қўшимча маълумотлар олиш имконини беради *(Вяткин В.Л., 1897:№ 64; Vahidov Sh., Erkinov A., 1999:141-174; Subtelny M.E., 2001:79-111; Холназарова Л., 2012; Зиёдов Ш., 2014:51-56; Зиёдов Ш., 2016: 47-51; Жуманазар А., 2017: 111-143; Некрасова Е.Г., Муминов А.К., Хабибуллаев А., Зиядов Ш.Ю., 2018:195-204)*.

Албатта, китобларни вақф этишдан асосий мақсад уларни асраб-авайлаган ҳолда келажак авлодларга тўла етказиш ва бу орқали илм узлуксизлигини таъминлаш бўлган. Бухорода жамоат кутубхоналари, шунингдек, мадрасалар қошида ҳам кутубхоналар фаолият юритган бўлиб, улардаги аксарият китоблар вақф сифатида таъсис этилган. Жумладан, ўрта асрларда Мирзо Улуғбек, Кўкалдош, Фатҳуллоҳ қушбеги, Доруш-шифо сингари кўплаб мадрасалар қошидаги кутубхоналар вақф қилинган китоблар ҳисобига ҳам бойиб борган. Жумладан, Мирзо Улуғбек мадрасасининг XVII асрга оид вақф ҳужжатида қайд этилишича, Хожа Муқим Ҳожи исмли шахс Бухоронинг Руд туманидаги бир неча уйлардан иборат бўлган ер мулки билан бирга ўзига тегишли бўлган бир неча юз жилдлардан иборат китобларини Бухородаги илм аҳли фойдаланишлари учун вақф этган *(ЎзМА: 114/2 й.)*[1]. Аҳамиятли жиҳати, ушбу ҳужжатда вақфга берилган барча китобларнинг рўйхати мавжуд бўлиб, мазмунан диний ҳамда фиқҳга оид асарлардан иборат. Бу эса, мазкур кутубхона фаолияти, унда сақланган китоблар хусусидаги тасаввурларни бойитади.

Рус шарқшунос олими В.Л. Вяткин Мири Араб мадрасасига вақф этилган китоблар орасида нафақат дарсликлар, балки турли мазмундаги асарлар ҳам мавжудлигини таъкидлаган. Улар орасида Сомонийлар даврида талабаларга вақф тарзида берилган 20 000 нусха қўлёзма асарлар борлиги ҳам маълум бўлган *(Вяткин В.Л., 1897:№ 64; Холназарова Л., 2012:83)*.

XIX асрларда ҳам китобларни вақф мулки сифатида таъсис этиш анъанаси давом этиб, ҳукмдорлар, амалдорлар томонидан кутубхоналарга, таълим муассасаларига китоблар садақаи жория қилинган. Жумладан, манғитлардан Амир Ҳайдар Насафдаги мадрасага кўплаб китобларни вақф этган бўлиб, уларнинг аксарияти диний ҳамда ҳуқуқий мазмундаги асарлар бўлган *(Reichmuth P., 2010:108)*.

Бухоронинг Ҳазрати Имом кўчасида жойлашган Охунд Муҳаммад Салим мадрасаси фойдасига 1822 йилда мазкур мадрасани барпо эттирган шахс номидан кўчмас мулк, пул маблағи билан бир қаторда фиқҳга оид китоб ҳам вақф қилинган *(ЎзМА: 72 й.)*. Амир Ҳайдар ибн Амир Маъсум муҳри босилган мазкур вақфнома ушбу мадрасанинг ўз даврида эътиборга лойиқ муассаса бўлганлигидан далолат беради.

Тарихий ҳужжатлар таҳлилига кўра, оддий аҳоли орасида ҳам китобларни вақф қилиш ҳолати учраган. Масалан, 1877 м./1294 ҳ. йилда расмийлаштирилган вақфномага кўра, воқифа Биби Тўтиой шаръий вакили орқали Бухоронинг Тошгарон мавзеси масжиди фойдасига ер, баззозлик дўкони ускунаси билан бирга "*Сияри Шариф*"[2] китобининг биринчи жилдини ҳам вақф этган. Воқифанинг шартига биноан имом ҳар куни бомдод намозидан сўнг мазкур китобдан бир достон, сўнгра Қуръони Каримдан ҳам тиловат қилиб, савобини пайғамбар

[1] Ушбу ҳужжат 114-йиғмажилд остида сақланаётган ва ўзида бир неча ҳужжатларни жамлаган вақф ўрамининг бир қисми саналади, асл нусха. 1195/3-йиғмажилд остида мазкур ҳужжатнинг нусхаси ҳам мавжуд.

[2] "*Сияри Шариф*" - Одам Атодан то Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) гача, шунингдек, арабларнинг Мовароуннаҳрга юришлари тарихига бағишланган асар бўлиб, Мавлоно Муинуддини Ҳирави (1486-1556) қаламига мансубдир.

(с.а.в.), шунингдек, воқифа ва унинг аждодларига руҳларига бахшида этиши лозим бўлган *(ЎзМА: 973 й)*.

1915 м./ 1334 ҳ. йилга оид вақф ҳужжатида эса, воқиф томонидан Имом Ҳифзи Кабир мозоридаги хонақоҳ масжидига 15 минг танга миқдоридаги пул маблағи ҳамда етти жилдлик дарслик китоблар садақаи жория этилган *(ЎзМА: 777 й.)*. Воқиф қўйган шартларга биноан мутавалли мазкур китобларни хонақоҳ имомига топшириши, имом ўз навбатида уларни асраб-авайлаб, таҳсил вақтида талабаларга бериши лозим бўлган. Ушбу китобларнинг олти жилди қўлёзмалардан, қолган бир жилди эса, гарчи вақфномада қайд этилмаган бўлса-да, тошбосма асарлардан иборат бўлган. Китоблар номига тўхталадиган бўлсак, мантиқ ва ислом ақоидига бағишланган "*Ҳикмат ал-айн*", "*Мулло Жалол*", "*Ҳидояйи Шариф*", "*Мулло Жалол*", "*Таҳзиб*", "*Ақоид*", "*Ҳошия*", "*Шарҳи Мулло*" сингари асарлар келтирилган *(ЎзМА: 777 й.)*. Табиийки, мазкур китоблар мадрасаларда ўқитилган дарсликлар сафига киритилган *(Абдурауф Фитрат, 2000:56-57)*. Эътиборли жиҳати, ўрта асрларда ҳам муҳим саналган адабиётлар бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Қайд этиш лозимки, XIX–XX асрларда китоблар таъсис этилган вақфномалар бошқа мулклар улушида жуда камчиликни ташкил этади. Мавжуд вақфномаларда эса, китоблар қатори кўчмас мулклар ҳам таъсис этилган. Бироқ, бу ҳолатда китоблар вақфи кам бўлганлиги хусусидаги тугал хулосани бериб бўлмайди. Зеро, китобларнинг ўзинигина вақф қилиш зарурияти туғилганда, улар учун алоҳида вақфномалар расмийлаштирилмаганлиги эҳтимоли катта.

Пул вақфи. Тадқиқ этилаётган давр капиталлашув жараёнларининг кучайиши ҳамда товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан аҳамиятлидир. Бу ҳолат маълум маънода вақф мулкчилиги тизимига ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, пул вақфи ушбу иқтисодий ўзгаришлар таъсирида ортиб борганини кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, кўчар хусусиятига эга мулклардан пул маблағини вақф қилиш ҳам шариатга кўра ихтилофли масалалардан бўлган. Дастлаб бу ҳолат аксарият уламолар томонидан маъқулланмаган ва бу борада кўплаб баҳс-мунозаралар бўлган. Бироқ кейинги давр баъзи фақиҳлари томонидан пулларни вақф қилиниши мумкинлиги ҳақида фатволар қабул қилинган *(Якубов Қ.К., 2018:80)*. Хусусан, уларнинг аксарияти кўчар мулкларни вақф қилишни Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар даврларидан қолган "*одат*" (تعمل) сирасига киргизиб, Имом Муҳаммад бу тушунчани турли давр ва мамлакатлар анъанасидан келиб чиқиб мослашишини назарда тутганлигини таъкидлайдилар *(Çizakça M., 2000:28-38)*. Натижада бир қатор мусулмон мамлакатлари[3] қатори Бухоро амирлигида ҳам бунга ижозат берилган.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган ҳужжатлар орасида Бухородаги пул вақфига оид XVIII аср охири, аниқроғи, 1795 м. /1210 ҳ. йилга тегишли вақфнома сақланади *(ЎзМА: 1295/26, 1429/16 й.)*. Унинг мазмунига кўра, Мулла Олимжон Муҳаммад Содиқ ўғли вафотидан аввал 6 минг дона тилла тангасини (اشرفی یکمثقالی بخاری الضرب) Мадина шаҳрида жойлашган Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар равзалари фойдасига вақф этишларини васият қилган *(ЎзМА: 1295/26 й.)*.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб пулни вақф қилиш жараёни ортиб борди. Бироқ бу жараён Хива хонлиги каби жуда кенг тарқалмади. Кишилар маблағларини ўз ҳудудларидаги масжид, мадраса сингари диний-ижтимоий муассасалар, шунингдек, амирликдан ташқаридаги муқаддас зиёратгоҳлар, диний тадбирлар фойдасига вақф эта бошладилар. Эътиборли жиҳати, агарда Хивада пулнинг ўзига алоҳида вақф объекти сифатида ҳужжат расмийлаштирилган *(ЎзМА: 1372, 1374, 1375 й.)* бўлса, Бухорода асосан пул маблағи билан бирга бошқа турдаги мулк ҳам вақф қилинар эди. Масалан, 1864 м./1281 ҳ. йилда Бухоро қозихонасида тузилган вақфномага биноан Саййид Аминбой исмли шахс Бухородаги дўконларини ҳамда 14890 тангани мазкур шаҳардаги Зомуча гузарида жойлашган мадраса фойдасига таъсис этган *(ЎзМА: 34 й.)*.

Шунингдек, айрим ҳолатларда пул маблағи қаторида бошқа кўчар мулклар ҳам вақф қилинганини

[3] Ислом дунёсида пул вақфининг шаклланиши ва аҳамияти бўйича тадқиқот олиб борган йирик мутахассис М.Чизакчанинг таъкидлашича, Усмонийлар империясида XVI асрдан бошлабгина бунга фатволар берила бошланган. Дастлаб империянинг туркий тилда сўзлашувчи қисмигина мазкур турдаги вақфни қонунийлаштирган. Кейинчалик қилинган тадқиқотлар натижасида Сурия, Миср, Судан ва Адан сингари ҳудудларда ҳам пул вақфи амалда мавжудлиги аниқланган бўлиб, бу ҳолат мазкур давлатларнинг қонунчилигида ўз аксини топган. Муаллифнинг таъкидлашича, умуман олганда, Болқондан то Малай дунёси ерларигача бўлган катта ҳудудларда пул вақфининг мавжудлиги Ислом ҳуқуқшунослигидаги барча асосий таълимотлар томонидан мазкур турдаги вақфга изн берилганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, Усмонийлар империяси ислом фиқҳшунослигининг асосий рамзи сифатида Ҳанафийлик мазҳабидаги мусулмон мамлакатлари орасида таъсир кучига эга бўлганлиги адабиётларда қайд этилади. Пул маблағлари вақфи бўйича берилган фатволар ҳам бошқа мусулмон давлатлари томонидан қабул қилинибгина қолмай, балки амалда ҳам аста-секинлик билан қўлланила бошланилгани хусусидаги мулоҳазани билдириш мумкин *(Çizakça M. A., 2000)*.

кўрсатади. Хусусан, 1903 м./1321 ҳ. йилда 40 минг танга пул маблағи билан бирга 87 даста тери, 250 манн буғдой ҳамда рўзғор анжомлари таъсис қилингани алоҳида диққатга сазовор ҳолатдир *(ЎзМА: 894 й.)*.

Бухоро амирлигида вақф қилинган пулдан фойдаланиш асосан мазкур маблағга ер, дўкон каби кўчмас мулк турларини сотиб олиш тарзида намоён бўлган[4]. Шу жиҳатдан, воқиф томонидан пул маблағи таъсис қилинган ҳолатда ҳам у пулга кўчмас мулк харид қилиниши шарти киритилган. Ўзига хос жиҳати, аксарият ҳолатларда пул маблағлари кўчмас мулк таркибида вақф қилинган. Бу масалага ойдинлик киритиш учун пул вақфи акс этган вақфномаларни таҳлил этиш жоиз. Хусусан, 1912 м. /1330 ҳ. йилда тузилган вақфномага мувофиқ воқифа Ақиқаой исмли аёл ҳовлисини ҳамда 1000 танга пул маблағини мақсурахон фойдаси учун таъсис этган. Воқифа мутаваллига ҳовлини ўша даврдаги мақбул нархга сотиб, маблағига вақф қилинган пулни ҳам қўшиб муносиб – "محمول بفوقف"[5] дўкон харид қилишни шарт қилган. Ушбу вақфнома таркибида яна бошқа ҳужжат ҳам мавжуд бўлиб, унда олди-сотди келишуви қайд этилган. Ҳужжатга кўра, мутавалли воқифанинг шарти юзасидан ҳовлини сотиб, 1000 тангани қўшган ҳолда "*вақф қилишга лойиқ дўкон топа олмай*", ер харид қилган ҳамда воқифанинг шартлари асосида вақфга айлантирган *(ЎзМА: 626/1, 626/2 й.)*.

Мавжуд тарихий ҳужжатлар орасида айрим истисноли ҳолатлар, хусусан, пул маблағининг ўзи вақф этилган вақфномалар ҳам учрайди *(ЎзМА: 194 й.)*. Бироқ шундай ҳолатларда ҳам вақф маблағига кўчмас мулк сотиб олиш тўғрисида кўрсатма келади *(ЎзМА: 194 й.)*.

Тадқиқ этилаётган даврга тегишли вақфномалардан бирида ҳовли, ер мулки билан бирга 50 минг танга Макка шаҳридаги *мақсурахон* ва *саҳиҳхон*[6] фойдасига васият этилгани ўз аксини топган. Воқиф марҳум Шаҳобиддин тўқсоба қўйган шартга мувофиқ кўчмас мулклар адолатли нархда сотилиб, موقوم[7] пул ҳам жамланиб, "*вақф қилишга муносиб*" дўкон, сарой ёки зироатга мос ери харид этилиши лозим бўлган *(ЎзМА: 825 й.)*.

Юқоридаги сингари ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, вақф қилинаётган мулк харид этилиши кўзланган мулк қийматидан кам бўлганда қўшимча пул маблағи ҳам вақф объекти сифатида таъсис этилган бўлиши мумкин. Нега аввал ўша кўчмас мулкни харид қилиб, кейин вақф этилмаган, деган саволга эса, пулни вақф қилганлар катта эҳтимол билан кекса ёшдаги кишилар бўлганликлари хусусидаги мулоҳазани билдириш мумкин.

Демак, Бухоро амирлигида пул вақфидан фойдаланиш амалиёти ўзига хос тарзда кечганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса, бевосита диний жиҳат – Бухоро уламоларининг пул вақфига нисбатан муайян фиқҳий қарашлари мавжуд бўлганлиги хусусидаги мулоҳазага асос бўлади ҳамда қўшимча илмий изланишларни талаб этади.

ХУЛОСА

Таъсис этилган мулклар рўйхатида ер билан бир қаторда ҳунармандчилик ускуналари, дўконлар ҳамда савдо расталари сингари кўчмас мулклар ҳам кўп учраган. Эътиборли жиҳати, бу даврга келиб, катта ҳажмдаги ерларни вақф қилиш ички ҳамда ташқи омиллар натижасида қисқариб борган. Мазкур жараёнга Бухоро амирлиги катта ҳудудларининг қўлдан кетиши, унинг Россия империяси протекторатига айланиши ҳам таъсир кўрсатган. Бу ҳолат шунингдек, воқифлар ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ бўлган.

Кўчар хусусиятга эга мулклардан пул ҳам вақф объекти сифатида асосан кўчмас мулк таркибида таъсис этилиб, пулдан фойдаланиш асоси мазкур маблағга ер, дўкон каби кўчмас мулк турларини сотиб олиш тарзида намоён бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 28-йиғмажилд.
2. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд.
3. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 72-йиғмажилд.
4. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 107-йиғмажилд.
5. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 114/2-йиғмажилд.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 127-йиғмажилд.
7. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 134-йиғмажилд.
8. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 156-йиғмажилд.
9. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 157-йиғмажилд.
10. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 158-йиғмажилд.

[4] Мавжуд вақф ҳужжатлари асосида бу фикрга келинди.

[5] "محمول بفوقف" ибораси вақфнинг давомий фойда келтириш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўлланилганини таъкидлаш лозим.

[6] Саҳиҳи шарифи Бухорий – Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларини ўқувчи.

[7] موقوفه вақф қилинган мулк.

11. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 159-йиғмажилд.
12. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 160-йиғмажилд.
13. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 194-йиғмажилд.
14. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 233-241-йиғмажилдлар.
15. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 626/1-йиғмажилд.
16. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 626/2-йиғмажилд.
17. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 777-йиғмажилд
18. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 815-йиғмажилд.
19. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 825-йиғмажилд.
20. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 894-йиғмажилд.
21. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 973-йиғмажилд.
22. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 1295/26-йиғмажилд.
23. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 1372-йиғмажилд.
24. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 1374-йиғмажилд.
25. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 1375-йиғмажилд.
26. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 1429/16-йиғмажилд.
27. Абдурауф Фитрат. (2000) Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент, 2000.
28. Вяткин В.Л. (1897) Бухарский книжный рынок // Туркестанские ведомости. – 1897. – № 64.
29. Жуманазар А. Бухоро. (2017) Таълим тизими тарихи. – Тошкент : Akademnashr, 2017.
30. Зиёдов Ш. (2016) Бухоро қозикалонларининг сулолавий кутубхоналарига доир маълумотлар борасида // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. – Тошкент, 2016. № 2. 47-51-бетлар.
31. Зиёдов Ш. (2014) Жўйбор хожаларининг Говкушон кутубхонасига вақф қилган китоблари борасида // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. – 2014. – № 1-2. – 51-56-бетлар.
32. Зияева Д.Ҳ. (2017) Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент : Янги нашр, 2017.
33. Некрасова Е.Г., Муминов А.К., Хабибуллаев А., Зиядов Ш.Ю. (2018) Библиотека Мухаммада Парса: Обобщения новых данных // Казахстанская интеллегенция: История и современность. Сборник материалов международной научной конференции. – Алматы, 2018. – С. 195-204.
34. Султонов Ў.А. (2016) Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI – XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). / Тарих фанлари бўйича докторлик дисс. автореферати. – Тошкент, 2016.
35. Холназарова Л. С. (2012) XIX – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида китобат ва кутубхоначилик тарихи. / Тарих фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2012.
36. Якубов Қ.К. (2018) XIX асрнинг II ярми – XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (Тарихий-манбашунослик таҳлили). / Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. – Тошкент, 2018.
37. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. (2020) Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шуҳрати. – Тошкент : Наврўз, 2020.
38. Çizakça M. A (2000) History of Philanthropic Foundations: The Islamic World from the Seventh Century to the Present. – Istanbul : Bogaziçi University Press, 2000.
39. Reichmuth P. (2010) Semantic Modeling of Islamic Legal Documents: A Study on Central Asian Endowment Deeds. / PhD thesis manuscript. – Martin-Luther-Universität Halle (Saale), 2010.
40. Subtelny M.E. (2001) The Making of Būkhārā-yi Sharīf: Scholars and Libraries in Medieval Bukhara (The Library of Khwāja Muḥammad Pārsā) // Studies on Central Asian History in honor of Yuri Bregel. / Edited by Devin DeWeese. – Indiana University : Bloomington, 2001. – P. 79-111
41. Vahidov Sh., Erkinov A. (1999) Le fihrist (cataloque) de la biblioteque de Sadri Ziya:une image de la vie intellektuelle dans le Mavarannahr (fin XIXe-deb.XXe s.). – Cahiers d’Asie Centrale, 1999. – № 7. – P. 141-174.

REFERENCES:

1. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 28-yig’majild.
2. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 34-yig’majild.
3. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 72-yig’majild.
4. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 107-yig’majild.
5. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 114/2-yig’majild.
6. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 127-yig’majild.
7. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 134-yig’majild.
8. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 156-yig’majild.
9. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 157-yig’majild.
10. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 158-yig’majild.
11. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 159-yig’majild.
12. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 160-yig’majild.

13. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 194-yig’majild.
14. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 233-241- yig’majildlar.
15. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 626/1-yig’majild.
16. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 626/2-yig’majild.
17. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 777-й yig’majild.
18. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 815-yig’majild.
19. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 825-yig’majild.
20. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 894-yig’majild.
21. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 973-yig’majild.
22. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 1295/26- yig’majild.
23. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 1372-yig’majild.
24. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 1374-yig’majild.
25. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 1375-yig’majild.
26. O‘zbekiston Milliy Arxivi, I-323-fond, 1-ro‘yxat, 1429/16- yig’majild.
27. Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. I jild. – Toshkent, 2000.
28. Vyatkin V.L. Buxarskiy knijniy rynok // Turkestanskiye vedomosti. – 1897. – № 64.
29. Jumanazar A. Buxoro. Ta’lim tizimi tarixi. – Toshkent: Akademnashr, 2017.
30. Ziyodov Sh. Buxoro qozikalonlarining sulolaviy kutubxonalariga doir ma’lumotlar borasida // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. – Toshkent, 2016. № 2. 47-51-betlar.
31. Ziyodov Sh. Jo‘ybor xojalarining Govkushon kutubxonasiga vaqf qilgan kitoblari borasida // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. – 2014. – № 1-2. – 51-56-betlar.
32. Ziyayeva D.H. O‘zbekiston shaharlari XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida. – Toshkent: Yangi nashr, 2017.
33. Nekrasova E.G., Muminov A.K., Xabibullayev A., Ziyadov Sh.Yu. Biblioteka Muxammada Parsa: Obobsheniya novyx dannyx // Kazaxstanskaya intellegentsiya: Istoriya I sovremennost’. Sbornik materialov mejdunarodnoy nauchnoy konferentsii. – Almaty, 2018. – C. 195-204.
34. Sultonov O‘.A. Toshkent vaqf xo‘jaligida an’analar, islohotlar va muammolar (XVI – XX asr boshlariga oid tarixiy hujjatlar asosida). Tarix fanlari bo‘yicha doktorlik diss. avtoreferati. – Toshkent, 2016.
35. Xolnazarova L.S. XIX – XX asrning boshlarida Buxoro amirligida kitobat va kutubxonachilik tarixi. Tarix fanlari nomzodi diss. – Toshkent, 2012.
36. Yakuboq Q.K. XIX asrning II yarmi – XX asr boshida Xiva xonligida vaqf instituti (Tarixiy-manbashunoslik tahlili). – Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori diss. – Toshkent, 2018.
37. Hayitov Sh., Rahmonov K., Ahmadov O. Buxoro va buxoriylarning jahoniy shuhrati. – Toshkent: Navro‘z, 2020.
38. Çizakça M. A History of Philanthropic Foundations: The Islamic World from the Seventh Century to the Present. – Istanbul: Bogaziçi University Press, 2000.
39. Reichmuth P. Semantic Modeling of Islamic Legal Documents: A Study on Central Asian Endowment Deeds. PhD thesis manuscript. – Martin-Luther-Universität Halle (Saale), 2010.
40. Subtelny M.E. The Making of Būkhārā-yi Sharīf: Scholars and Libraries in Medieval Bukhara (The Library of Khwāja Muḥammad Pārsā) // Studies on Central Asian History in honor of Yuri Bregel. Edited by Devin DeWeese. – Indiana University, Bloomington, 2001. – P. 79-111
41. Vahidov Sh., Erkinov A. Le fihrist (cataloque) de la biblioteque de Sadri Ziya:une image de la vie intellektuelle dans le Mavarannahr (fin XIXe-deb.XXe s.) // Cahiers d’Asie Centrale, 1999. – № 7. – P. 141-174.